

Мужрим Обид — (тахаллуси; асл исми-шарифи Миракхўжа ўгли, 18-асрнинг 2-ярми — хозирги Бухоро вилояти Вобкент тумани Кумушкент кишлоғи — 19-асрнинг 1-чорағи) — зуллисонин шоир. Ўз даври Бухоро адабий мухитининг забардаст вакили. Таржимаи холига оид маълумотлар етарли эмас. Баъзи манбаларда шоирнинг исми Обидхўжа, отасининг исми Миракхўжа эканлиги кайд килинган. Мирараб мадрасасида тахсил кўрган. Дастанлар Мужрим тахаллуси билан шеърлар ёзган. 19-асрнинг бошларида Амир Хайдар унга Обид тахаллусини берган. Лекин у Мужрим тахаллусидан ҳам воз кечмай, хар иккала тахаллус билан ижод этган. У Амир Хайдар саройида мубоширлик вазифасида ишлаган. 80 йилча умр кўрган шоир ҳаётининг сўнгги йилларида кашшокликда яшаган. Шеърларида бевафо дунёдан, адолатсиз замондан, оқибатсиз одамлардан нолиш — шикоят оҳанглари акс этган.

Туркий ижодида Навоий ва Машраб, форсий шеърларида Бедилга издошлик қилган. Унинг туркий девонида 459, форсий девонида 206 газал бор. Девонларида, шунингдек, мухаммаслари, китъалари, рубоийлари, «Хасби хол» маснавийси мавжуд. Асарлари тўлиқ холда нашр этилмаган. Газалларидан намуналар ҳамда китъа ва рубоийлари босилиб чиққан. Форсий девони мукамал эмас.

Мужрим Обид анъанавий услубда гўзал ишқий газаллар яратган. Уларда сўфиёна руҳ кучли. Оғир ҳаёт йўлини босиб ўтган шоирнинг аксар шеърларида шикоят, ҳасрат оҳанги устун. Форсий-арабий сўзлар кўп учраши жихатдан шеърларининг тили мураккаб, лекин услуби содда, ифода тарзи раван. Шарқ адабиётини чуқур билиши, етук истеъдод соҳиби эканлиги шеърларидан сезилиб туради. Шеърлари оҳорли ва гўзал ташбеҳу тимсоллар, теран фалсафий умумлашмалар, кескин ижтимоий фикрларга бой. Китъа ва рубоийларида шоирнинг ахлоқий қарашлари, панд-насихатлари акс этган. Умуман, дунёнинг номукамаллиги, жамият қусурлари, одамлар феълларидаги иллатларни танқид қилиш шоир шеърининг асосини ташкил этади.

Мужрим Обиднинг туркий ва форсийда битилган девонларининг кўлёзма нусхалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланади (инв. №976, 1797, 3798, 991).

*Эргаш Очиллов*

## **БАЙТЛАР**

Гади дунёга чирмашгон сари холинг забун бўлгай.

\* \* \*

Харифи сода табълар кўп балога мубтало.

\* \* \*

Душманни ўзингга махрами жон қилма,  
Ўз жонингга мунча жабру нуксон қилма.  
Эл машварати бирла хар иш топар салоҳ,

Иш килма ўз олдингча, пушаймон килма.

\* \* \*

Умр ёшдин ўтар, хавас дилдин,  
Аёгинг хеч узилмагай гилдин.  
Кору боринг эрур пушаймонлиг,  
Бори суду зиён паришонлиг.

\* \* \*

Не тараф азм айласам олдимда истикбол гам,  
Бокмай утсам хам келур соя каби дунбол, гам.

\* \* \*

Сучук тил бирла, эй Обид, бу гамли дилни шод этгил,  
Ки жон тандин вижод этгунча бу ширин забон яхши.

\* \* \*

Бу масалдур, Обидо, халк ичраким, кайси ятим,  
Огзи тегди ошкаю, бурнидин качон кон келмади.

\* \* \*

Кўрдиким кимда бордур давлат анга дучордур,  
Нафъи етгай хаёлига ўзни ошно килур.  
Бировни гам била, кайгу била адо айлар,  
Бировни ишрати оламга пойдор килур.  
Бировни дийдаи биносидин жудо айлаб,  
Тамоми умрин асокашга интизор килур.  
Бировга симу зар бехисоб рўзи этар,  
Бировни бир пул учун йўл юзида зор килур.

\* \* \*

Чекиб миннат ададсиз, руйи рохат курмадим харгиз,  
Азалдан, эй биродарлар, жафокашга вафо бўлмас.

\* \* \*

Хеч биродардан манга келган эмас буйи вафо,  
Ахли оламда манингдек пуржафоз бормикин?  
Мехр излаб кахр кўрган, шарбат излаб захр нуш,  
Руйи рохат курмаган мехнатадоэ бормикин?

